ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**

2021 yil «29» dekabr № 786 Toshkent sh.

**Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 10 октябрдаги ПФ–5848-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ва донорлар билан ҳамкорлик дастурларига қўшимча лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини моддий-техник қўллаб-қувватлаш ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи **Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

инсонпарварлик ёрдамини жалб қилиш ва олиш, инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ва мониторинг қилиш тартибини назарда тутувчи **Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” декабрдаги 786 сон қарорига
1-илова

# Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан уларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг бошқача тартиби белгиланган лойиҳаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот тизими** – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан жорий этиладиган ва юритиладиган “Ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини электрон тарзда келишиш, мониторинг қилиш ва ҳисобга олиш” бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими;

**ваколатли орган** – лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;

**грант** – қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун мақсадли йўналтирилган ёки мақсадли бўлмаган асосда пул ёки натура шаклида донорлар томонидан кўрсатиладиган ташқи беғараз кўмак тури;

**донор билан ҳамкорлик дастури** – маълум бир давр учун Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳамда ташқи беғараз кўмак ҳисобига молиялаштириш учун таклиф этилаётган лойиҳалар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат;

**лойиҳа битимлари** – лойиҳаларни молиялаштириш учун асос бўладиган ҳужжатлар мажмуаси (алмашинув ноталари, молиявий шартномалар ва бошқалар);

**лойиҳа ижрочиси** – лойиҳани амалга ошириш учун ташқи беғараз кўмак олувчига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи, тақдим қилувчи юридик ёки жисмоний шахс (ёки уларнинг консорциуми);

**лойиҳа таклифи** – амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг асосий параметрларини аниқлайдиган, донорнинг методологиясига мувофиқ тайёрланган ва донорнинг лойиҳа бўйича тайёргарлик кўриши ва қарор қабул қилиши учун асос бўладиган ҳужжат;

**лойиҳа ҳужжатлари** – донор ва ташқи беғараз кўмак олувчилар ўртасида келишилган лойиҳани молиялаштириш ва амалга ошириш муддатлари тўғрисида батафсил маълумотлардан ташкил топган ҳамда донор (лойиҳа ижрочисига) лойиҳани амалга ошириши учун асос бўладиган ҳужжатлар тўплами;

**мувофиқлаштирувчи кенгаш** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 10 октябрдаги ПФ–5848-сон Фармони билан ташкил этилган Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш;

**ташқи беғараз кўмак берувчи донорлар** (кейинги ўринларда – донорлар) – ташқи беғараз кўмак маблағини тақдим қилувчи, фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар, хорижий компаниялар ва жамғармалар;

**ташқи беғараз кўмак маблағлари** – ташқи беғараз кўмак берувчи донорлар томонидан тақдим этиладиган техник кўмак ва грант, мақсадли беғараз кўмак маблағлари, жумладан, пул ва товарлар (ишлар, хизматлар);

**ташқи беғараз кўмакни олувчилар** – Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек фаолиятида фойда олишни мақсад қилмаган юридик ва жисмоний шахслар (донорлар ва ваколатли органнинг бошқа келишувлари бундан мустасно);

**ташқи беғараз кўмак лойиҳаси** (кейинги ўринларда – лойиҳа) – донорлар томонидан пул, товарлар (ишлар, хизматлар) сифатида тақдим қилинадиган ташқи беғараз кўмак лойиҳаси ҳисобига қисман ёки тўла таъминланган, донорлар ва ташқи беғараз кўмак олувчилар билан келишилган умумий мақсадли ташкилий-техник тадбирлар мажмуи;

**ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастури** – ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган истиқболли ва устувор лойиҳалар ҳамда донорларга ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириш учун таклиф этилаётган лойиҳаларнинг йиғма рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат;

**техник кўмак** – асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олиш, тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, илмий ёки бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ходимларни даволаш, ўқитиш, малакасини ошириш

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



ва уларни қайта тайёрлаш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун пул ёки натура шаклида донорлар томонидан кўрсатиладиган ташқи беғараз кўмак тури;

**ягона реестр** – ваколатли орган томонидан доимий равишда шакллантириладиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган амалга оширалаётган лойиҳаларнинг рўйхати.

4. Ташқи беғараз кўмак олувчилар бир лойиҳа бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидан ошмайдиган ташқи беғараз кўмак маблағларни жалб этиш учун мустақил равишда донорлар билан музокаралар олиб боради, бунда имзоланган лойиҳа битимларининг нусхаларини ваколатли органга мажбурий тартибда тақдим этади.

5. Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурлари ва донорлар билан ҳамкорлик дастурларини келишиш, тасдиқлаш, ҳисобга олиш шунингдек ташқи беғараз кўмак олувчилар ва лойиҳа ижрочилари томонидан киритилган маълумотлар асосида ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинги тегишли вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимига бепул уланиши орқали олиб борилади.

## 2-боб. Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш тартиби

6. Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

7. Ваколатли орган ҳар йили 1 февралга қадар ташқи беғараз кўмак олувчиларни тегишли параметрларни кўрсатган ҳолда донорлар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши учун таклиф қилинган лойиҳаларни қабул қилиш бошланганлиги тўғрисида хабардор қилади.

8. Ташқи беғараз кўмак олувчилар ҳар йили 1 мартга қадар донорлар томонидан молиялаштириш учун таклиф этилаётган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг рўйхатини лойиҳа таклифлари билан бирга ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ уларнинг устуворлик кўрсаткичларининг тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ваколатли органга тақдим этади.

Лойиҳа таклифлари 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурлари, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурлари, саноат ва ҳудудларни ривожлантириш дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи беғараз кўмак олувчилар томонидан шакллантирилади.

9. Ваколатли орган тақдим этилган лойиҳа таклифларни ҳамкорлик йўналишларига, донорларнинг молиявий имкониятларига, шунингдек ривожланишнинг давлат дастурларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда 1 апрелга қадар амалга ошириш учун таклиф этилаётган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг йиғма рўйхатини (кейинги ўринларда – йиғма рўйхат) ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакллантиради.

Лойиҳа таклифлари ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ташқи беғараз кўмак олувчилар томонидан ишлаб чиқилади.

Донорлар томонидан талаб этилган ҳолатларда, ташқи беғараз кўмак олувчилар лойиҳа таклифларини донор томонидан сўралган шаклга мувофиқ ишлаб чиқиб, ваколатли органга киритади.

10. Ваколатли орган донорларга тақдим этиш учун лойиҳа бўйича қўшимча маълумотларни ташқи беғараз кўмак олувчилардан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

11. Ташқи беғараз кўмак олувчилардан келиб тушган лойиҳа таклифларнинг йиғма рўйхатини шакллантириш жараёнида юзага келган келишмовчиликлар тегишли ташқи беғараз кўмак олувчилар иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши доирасида бартараф этилади.

12. Ваколатли орган 15 апрелга қадар шакллантирилган йиғма рўйхат асосида ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурини тасдиқлайди ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

13. Ваколатли орган:

тегишли ташқи беғараз кўмак олувчилар билан биргаликда донорлар билан маблағларни жалб қилиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда донорлар томонидан маъқулланган лойиҳалар асосида донорлар билан ҳамкорлик йўналишларини, шу билан бирга лойиҳаларнинг барча параметрларини ўз ичига олган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

14. Донорлар билан ҳамкорлик дастури тасдиқланган кундан бошлаб беш кун ичида ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Донорлар билан ҳамкорлик дастури кўрсаткичларига аниқлик киритиш ва уларни ўзгартириш ваколатли орган томонидан мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

15. Зарурат туғилганда, донорлар билан ҳамкорлик дастурларига киритилган лойиҳалар учун лойиҳа битимлари имзоланади. Бунда, ташқи беғараз кўмак олувчилар лойиҳа битимларини ўз вақтида имзоланишини таъминлайди.

## 3-боб. Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ва донорлар билан ҳамкорлик дастурларига қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш тартиби

16. Тасдиқланган ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурлари ва донорлар билан ҳамкорлик дастурларига янги лойиҳаларни киритиш учун ташқи беғараз кўмак олувчилар ваколатли органга ташқи беғараз кўмак лойиҳалари таклифи ва салоҳиятли донорлар кўрсатилган тушунтириш хатини тақдим этади.

Агар лойиҳанинг ташаббускори донор бўлса, у ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ лойиҳа таклифини бевосита ваколатли орган орқали ташқи беғараз кўмак олувчига кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Ташқи беғараз кўмак олувчилар ўтказилган таҳлиллар асосида ваколатли органга лойиҳа таклифини, амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани ҳамда лойиҳани ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурига киритиш тўғрисидаги таклифни тақдим этади.

Агар лойиҳа таклифини қайта ишлаш зарур бўлса, ваколатли орган лойиҳа ҳужжатларини ташқи беғараз кўмак олувчиларга ёки донорга мавжуд камчиликларни кўрсатган ҳолда қайтаради.

17. Ташқи беғараз кўмак олувчиларнинг мақсадга мувофиқлик тўғрисидаги хулосаси ва таклифларини кўриб чиқиш натижалари асосида ваколатли орган ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурига ва зарурат бўлса, донор билан ҳамкорлик дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

18. Ташқи беғараз кўмак олувчилар лойиҳаларни сифатли ишлаб чиқилиши, заруратга кўра, донорлар, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари ва мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда уларни тайёрлаш тартибига риоя қилиниши учун жавоб беради.

19. Ташқи беғараз кўмак олувчилар донорлар томонидан келиб тушган лойиҳа таклифлари нусхаларини улар қабул қилган кундан бошлаб бир иш куни ичида ваколатли органга кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш устидан мониторинг қилиш учун мажбурий тартибда киритади.

## 4-боб. Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этишни назарда тутувчи битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби

20. Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ҳамда халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро халқаро шартномалар тоифасига кирувчи битимларни ишлаб чиқиш, келишиш ва имзолаш “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган халқаро шартнома тоифасига кирмайдиган ва давлат органлари ташқи беғараз кўмак олувчилар ҳисобланган битимлар лойиҳалари улар томонидан донорлар билан биргаликда ишлаб чиқилади ва манфаатдор вазирликлар ва идораларга келишиш учун киритилади.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ишлаб чиқилган битим лойиҳаларини экспертлар даражасида кўриб чиқиб, киритилган кундан бошлаб беш кун муддатда тегишли хулоса беради.

Ташқи беғараз кўмак олувчилар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва келишилган битим лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.

Вазирлар Маҳкамаси битим лойиҳаларини келишиш ва имзолаш ёки қайта ишлаб чиқиш юзасидан бир ҳафта муддатда тегишли топшириқ беради.

Ваколатли орган ташқи беғараз кўмак олувчилар билан биргаликда келишилган ва тасдиқланган битим лойиҳалари устидан музокаралар олиб борилишини ва имзоланишини таъминлайди.

## 5-боб. Ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш

22. Ташқи беғараз кўмак олувчиларнинг раҳбарлари имзоланган лойиҳа ҳужжатлари ва битимларини кучга кириши учун зарур бўлган барча шартларни бажарилишини таъминлайди.

23. Лойиҳа ижрочиси ҳар бир донор томонидан ўзининг тартибига мувофиқ танланиб олинади.

24. Лойиҳа ижрочиси алоҳида ёки консорциум таркибида бўлган юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин.

25. Ҳар бир лойиҳа тегишли лойиҳа ҳужжатлари ва имзоланган лойиҳа битимига мувофиқ амалга оширилади.

26. Лойиҳа ижрочиси лойиҳани амалга ошириш учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий ва (ёки) хорижий мутахассисларни, узоқ муддатли (олти ойдан ортиқ) ёки қисқа муддатли (олти ойгача) шартнома асосида жалб қилиши мумкин.

27. Лойиҳа ташқи беғараз кўмак олувчиларининг раҳбарлари ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш ва ўзлаштиришда бевосита иштирок этган ходимларга нисбатан ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, ташқи беғараз кўмак маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн беш бараваригача бироқ ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағлари суммасининг икки фоизидан ошмайдиган миқдорда бир марталик мукофотлаш тарзидаги рағбатлантириш чораларини қўллайди.

28. Амалга оширилаётган ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг ҳисобини юритиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш мақсадида ваколатли орган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказади.

29. Амалга оширилаётган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказиш учун ташқи беғараз кўмак олувчилар ёки донор ваколатли органга лойиҳа юзасидан барча ҳужжатлар (лойиҳа таклифи, лойиҳа битими ва бошқалар), шу билан бирга лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалини акс эттирувчи аризани тақдим этади.

Ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш давомида лойиҳа ташқи беғараз кўмак олувчилардан ёки донордан қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин.

30. Ваколатли орган рўйхатдан ўтказилган лойиҳаларнинг ягона реестрини юритади, уларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига доимий равишда киритилишини таъминлайди.

## 6-боб. Ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини моддий-техник қўллаб-қувватлаш

31. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни ташқи беғараз кўмак ҳисобига сотиб олиш донорлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар суммаси, башарти донорлар билан битимларда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишга қўшадиган ҳиссаси ҳисобланади.

33. Лойиҳа билан ташқи беғараз кўмак пул шаклида берилиши назарда тутилган тақдирда, бюджет ташкилотлари, вазирликлар, идоралар ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан олинган ташқи беғараз кўмак маблағлари Ягона ғазна ҳисобварағига жойлаштирилади.

34. Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларга солиқ ва божхона имтиёзлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

Бунда, товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг ташқи беғараз кўмакка тегишлилиги ташқи беғараз кўмак олувчилар ёки донор томонидан тақдим этилган ариза, лойиҳа ҳужжатлари, битимлари ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумоти ҳамда ваколатли органнинг тегишли хулосаси асосида аниқланади.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



35. Ташқи беғараз кўмак олувчилар лойиҳа тугаган кундан бошлаб беш йил мобайнида ҳар йили ваколатли органга ва тегишли статистика органига ташқи беғараз кўмак орқали тақдим этилган товарлар (ишлар ва хизматлар)дан фойдаланиш ёки маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

36. Ўзбекистон Республикаси солиқ ва божхона органларига, заруратга кўра, солиқ ва божхона расмийлаштируви учун товарларнинг ташқи беғараз кўмакка тегишлилиги тўғрисидаги хулосалар ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги лойиҳа ҳужжатлари ва битимларига мувофиқ ваколатли орган томонидан берилади.

37. Ташқи беғараз кўмак маблағлари донор ёки ваколатли орган билан келишилмасдан мақсадсиз ишлатилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши божхона тўловлари ва солиқларни тўлаш мажбуриятлари тикланган ҳолда бекор қилинади.

38. Лойиҳа ташқи беғараз кўмак олувчиларига ташқи беғараз кўмакни жалб этиш тўғрисидаги битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига қоплаш ҳуқуқи берилади.

## 7-боб. Ташқи беғараз кўмак лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби

39. Ишлаб чиқилаётган ва ягона реестрга киритилган лойиҳалар мониторинг объектлари ҳисобланади.

40. Ташқи беғараз кўмак лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш ваколатли орган томонидан қуйидагиларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга оширилади:

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа битимлари, шу жумладан, лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари ва бошқа тегишли маълумотларни акс эттирувчи ҳужжатлар;

донорлар, ташқи беғараз кўмак олувчилар ва лойиҳа ижрочиси томонидан тақдим этилган тезкор маълумотлар;

ваколатли орган мониторингни ташкил қилиш учун вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар ва консалтинг компанияларининг мутахассисларини жалб қилишга ҳақли.

41. Мониторинг қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш;

ташқи беғараз кўмак олувчилар ва лойиҳа ижрочиси фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш;

лойиҳаларнинг ишлаб чиқишга ва амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича тезкор чораларни кўриш;

донорлар олдида лойиҳалар бўйича олинган мажбуриятларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш, уларнинг бажарилишини таъминлашга кўмаклашиш.

42. Ташқи беғараз кўмак олувчилар ҳар чоракда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай) ваколатли органга ва Молия вазирлигига ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағлари ва амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ маълумотни тақдим этадилар.

Молия вазирлиги ташқи беғараз кўмак маблағлари мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юзасидан тизимли чораларни кўради.

43. Ташқи беғараз кўмак олувчиларининг раҳбарлари тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан жавоб берадилар.

44. Ваколатли орган:

лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги, шунингдек, қўшимча таҳлилий маълумотлар асосида тенденцияларни ўрганади;

лойиҳаларни амалга оширишдаги бюрократик тўсиқларни аниқлайди, имтиёзлар ва преференциялар тизимининг самарадорлигини таҳлил қилади;

лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

ташқи беғараз кўмаклар маблағларини жалб қилиш самарадорлигини ошириш учун заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларини тайёрлаш ишларини ташкил этади;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа тадбирларни ташкил этади;

доимий равишда донорлар билан амалга оширилаётган лойиҳаларни, шу жумладан уларни амалга оширишдаги муаммоларни муҳокама қилади.

45. Лойиҳалар мониторинги натижалари ҳар чоракда ваколатли орган томонидан Вазирлар Маҳкамасига маълумот тариқасида тақдим этилади.

## 8-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

46. Қуйидагилар мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

донорлар билан доимий мулоқот платформасини шакллантириш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ва мунозарали масалаларни кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ва молиялаштиришнинг янги салоҳиятли манбаларини излаш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини келишиш ва ишлаб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва механизмларини такомиллаштириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ва уларнинг ҳажмларини кўпайтириш, донорлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларининг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларининг ҳисоботларини тинглаш.

47. Мувофиқлаштирувчи кенгаш унга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги фукцияларни бажаради:

ҳамкорликни кенгайтириш ва лойиҳаларни амалга ошириш таклифларини кўриб чиқиш;

ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириш таклиф этилаётган устувор ва истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини, шунингдек, дастурларни шакллантиришда юзага келадиган келишмовчиликларни кўриб чиқиш ва муҳокамалар асосида тегишли қарор қабул қилиш;

давлат бошқаруви органларининг, хўжалик бирлашмаларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларининг ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш;

ташқи беғараз кўмак олувчилар томонидан олинган ва ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағларини ҳамда амалга оширилаётган ташқи беғараз кўмак лойиҳалари бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиш ва ўзлаштириш жараёнини оптималлаштириш бўйича уларга тегишли кўрсатмалар бериш.

48. Ташқи беғараз кўмак олувчиларининг мурожаатлари мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қуйидаги масалалар бўйича кўриб чиқилади:

ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурига лойиҳа таклифларини киритиш ҳамда юзага келадиган келишмовчиликлар;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

донорлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини аниқлаш, шунингдек улар билан ўзаро алоқалар географиясини кенгайтириш;

ташқи беғараз кўмак олувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

ташқи беғараз кўмакка оид бошқа масалалар.

49. Ваколатли орган мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда келижб тушган мурожаатлар тўғрисида Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларини хабардор қилади.

50. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўзига юклатилган вазифалар ва функциялар доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банкларидан статистик ва таҳлилий маълумотларни олиш мақсадида сўров юбориш;

вазирликлар ва идораларга Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан ваколатлар доирасида кўрсатмалар бериш;

йиғилишларда юридик ва жисмоний шахсларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаш зиммасига юклатилган вазифалар доирасидаги мурожаатларини тинглаш;

донорлар орасида сўровларномалар ўтказиш;

мувофиқлаштирувчи кенгаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш мумкин.

## 9-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби ва унинг фаолиятини ташкил этиш

51. Юкланган вазифа ва функцияларни бажариш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси:

мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларида раислик қилади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига таклифлар киритади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларини чақиради, мувофиқлаштирувчи кенгаш, унинг котиби фаолиятини, мажлисларда кўриб чиқилаётган масалалар тайёрланишини ва қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этади, шунингдек, ҳар чоракда томонларни уларнинг бажарилиши жараёнидан хабардор қилади;

томонлар ҳамкорлигига ва мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади;

ўз ваколатлари доирасида бошқа функцияларни бажаради.

52. Юкланган вазифалар ва функцияларини бажариш мақсадида Кенгаш котиби:

мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси билан келишиш учун йиғилишларнинг муддатлари, ўтказилиш жойи ва кун тартиби бўйича таклифларни шакллантиради;

мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларини навбатдаги йиғилишининг муддати, ўтказилиш жойи ва кун тартиби бўйича хабардор қилади, уларни зарур материаллар билан таъминлайди;

мувофиқлаштирувчи кенгашнинг баённомаларини юритади ва йиғилиш ўтказилишини ва иш юритишини ташкил этади;

тасдиқланган қарорларни мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларига тарқатади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларининг ижросини мониторинг қилади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятига оид топшириқларини бажаради;

мувофиқлаштирувчи кенгаш кун тартибига киритилган масалалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлайди.

53. Юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари:

мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида иштирок этади ва қарорларни қабул қилишда овоз беради;

мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларини ижро этиш натижалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳисобот тақдим этади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартиби ва масалаларни муҳокама қилиш тартиби бўйича таклифлар киритади;

мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларига материалларни тайёрлашда иштирок этади.

мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз вақтида ва самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

## 10-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва қарорларни қабул қилиш тартиби

54. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолиятини йиғилишлар шаклида амалга оширади, йиғилишлар бир йилда камида 4 марта ўтказилади.

55. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг қарори, раис бўлмаган ҳолларда ўринбосарларининг қарори, шунингдек, мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси билан келишган ҳолда мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг ташаббуси бўйича чақирилади.

56. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

57. Кўриладиган масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳар бир аъзоси, шу жумладан, раис ҳам битта овозга эга бўлади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари мувофиқлаштирувчи кенгашнинг барча аъзолари учун мажбурий хусусиятга эга.

58. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорини талаб қиладиган масалалар юзасидан тегишли таклифларни мувофиқлаштирувчи кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

59. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси шаклида расмийлаштирилади.

60. Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган қарорга норози бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари (аъзоси) тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ўз таклифлари ёки фикрларини ёзма равишда мувофиқлаштирувчи кенгаш масъул котибига тақдим этишлари мумкин.

## 11-боб. Якунловчи қоида

61. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига
молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш,
амалга ошириш ва мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Ташқи беғараз кўмакни олувчиларни донорлар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши учун таклиф қилинган лойиҳаларни қабул қилиш бошланганлиги тўғрисида хабардор қилади. | Ҳар йили 1 февралга қадар |
| 2-босқич | Ташқи беғараз кўмак олувчилар | Донорлар томонидан молиялаштириш учун таклиф этилаётган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг рўйхатини, лойиҳа таклифлари билан бирга, уларнинг устуворлик кўрсаткичларининг тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ваколатли органга тақдим этади.<br>Лойиҳа таклифлари ташқи беғараз кўмак олувчилар томонидан ишлаб чиқилади. | Ҳар йили 1 мартга қадар |
| 3-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Тақдим этилган лойиҳа таклифлар кўриб чиқади ва таклиф этилаётган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг йиғма рўйхатини шакллантиради. | Ҳар йили 1 апрелга қадар |

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **4-босқич** | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Шакллантирилган йиғма рўйхат асосида ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастурини тасдиқлайди ва веб-сайтига жойлаштиради. | Ҳар йили 15 апрелга қадар |
| **5-босқич** | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи беғараз кўмак олувчилари | Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш дастури асосида донорлар билан ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш юзасижан тегишли чоралар кўради.<br>Зарурат бўлса, ташқи беғараз кўмак олувчилари ташаббуси асосида дастурларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. | Доимий асосда |
| **6-босқич** | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Донорлар томонидан маъқулланган лойиҳалар асосида, улар билан ҳамкорлик йўналишларини, шу билан бирга лойиҳаларнинг барча параметрларини ўз ичига олган донор билан ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. | Белгиланган муддатларда |
| **7-босқич** | Ташқи беғараз кўмак олувчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Донорлар билан ҳамкорлик дастурларига киритилган лойиҳалар учун лойиҳа битимларини имзолайди. | Зарурратга кўра |
| **8-босқич** | Ташқи беғараз кўмак олувчилари | Ҳар бир лойиҳа тегишли лойиҳа ҳужжатлари ва имзоланган лойиҳа битимига мувофиқ амалга оширади. | Келишувларга мувофиқ |

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| 9-босқич | Ташқи беғараз кўмак олувчилари | Лойиҳа ижрочилари ҳар бир донор томонидан ўзининг тартибига мувофиқ танланиб олинади. | Келишувларга мувофиқ |
| 10-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Амалга оширилаётган ташқи беғараз кўмак лойиҳалари ҳисобини юритиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш мақсадида лойиҳаларни рўйхатдан ўтказади. | Белгиланган муддатларда |
| 11-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Рўйхатдан ўтказилган лойиҳаларнинг ягона реестрини юритади, уларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади. | Доимий асосда |
| 12-босқич | Ташқи беғараз кўмак олувчилари | Товар (иш, хизмат)ларни ташқи беғараз кўмак ҳисобига сотиб олиш донорлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширади. | Келишувларга мувофиқ |
| 13-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Товар (иш ва хизмат)нинг ташқи беғараз кўмакка тегишлилиги бўйича тегишли хулосаси тақдим этади. | Зарур ҳолларда |
| 14-босқич | Ташқи беғараз кўмак олувчилари | Ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағлари ва амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумотни ваколатли органга ва Молия вазирлигига тақдим этади. | Ҳар чоракда |
| 15-босқич | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Ташқи беғараз кўмак лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилади. | Ҳар чоракда |
| 16-босқич | Молия вазирлиги | Ташқи беғараз кўмак маблағлари мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юзасидан тизимли чораларни кўради. | Доимий асосда |

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига
молиялаштириладиган лойиҳаларни
тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Донорлар томонидан молиялаштириш учун таклиф этилаётган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лойиҳа номи | Донор номи | Грант (техник кўмак) қиймати (минг. долл.) | Лойиҳани амалга ошириш учун асос ҳужжатлар | Лойиҳа мақсади | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ... | | | | | |
| .. | | | | | | |

**Раҳбар** **(имзо)** **Ф.И.О.**

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига
молиялаштириладиган лойиҳаларни
тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

# Лойиҳа таклифи

______________________________________________

(лойиҳанинг номи)

**I. Ариза берувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар:**

а) номланиши ва реквизитлари;

б) фаолиятининг асосий тури;

в) илгари амалга оширилган лойиҳалари.

**II. Лойиҳанинг мақсади:**

**III. Лойиҳанинг вазифалари:**

**IV. Кутилаётган натижалар ва лойиҳани амалга ошириш самараси:**

**V. Лойиҳа доирасида назарда тутилаётган тадбирлар:**

**VI. Лойиҳани амалга ошириш назарда тутилаётган муддат:**

**VII. Лойиҳанинг умумий суммаси:**

**VIII. Берилаётган грант суммаси:**

**IX. Кутилаётган харажатлар тоифаси:**

а) жорий харажатлар;

б) асбоб-ускуналар;

в) ўқитиш;

г) маслаҳат хизматлари;

д) бошқа харажатлар (номи кўрсатилади).

**X. Боғланиш учун масъул шахс:**

а) Ф.И.О.;

б) лавозими;

в) телефони;

г) электрон почта манзили.

**XI. Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуд:**

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига
молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш,
амалга ошириш ва мониторингини қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ташқи беғараз кўмак маблағлари (грант) ҳисобига**
**молиялаштириладиган истиқболли ва устувор лойиҳаларнинг**
**ЙИҒМА РЎЙХАТИ**

| Т/р | Лойиҳа номи | Донор номи | Грант (техник кўмак) маблағлари қиймати (минг. долл.) | Лойиҳа мақсади | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| ... | | | | | |

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига
молиялаштириладиган лойиҳаларни
тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторингини
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**20_____йилнинг ______ чорагида олинган ва ўзлаштирилган ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳалар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Олувчи ________________________________________________
(тўлиқ номи)

Телефон, эл. манзил ____________________________________

| № | Лойиҳа номи | Донор номи | Лойиҳа бошланиши (ой, йил) | Лойиҳа якуни (ой, йил) | Ҳолати (бошланган, амалга оширилмоқда, якуналанган, ишлар олиб борилмоқда, Донор билан ишлар олиб борилмоқда) | Лойиҳа қиймати (млн.долл.) | Ўзлаштириш суммаси (млн.долл.) | Соҳа | Лойиҳани амалга оширишда асос ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |

| Ташқи беғараз кўмак маблағлари иштирокидаги лойиҳаларнинг мақсади ва амалга оширишда кутилаётган натижалар | Лойиҳа амалга ошириш жойи | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|
| 10 | 11 | 12 |

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "29" декабрдаги 786-сон қарорига
2-илова

# Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилишни тартибга солади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

**донорлар** – хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ҳукумати ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар;

**котибият** – Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти;

**инсонпарварлик ёрдами** – аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, ҳомийлик хайриялари, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш учун бериладиган мақсадли беғараз ёрдам;

**инсонпарварлик ёрдамини олувчи** – Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки у ваколат берган давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек фаолияти фойда олишга қаратилмаган юридик ва жисмоний шахслар;

**инсонпарварлик ёрдами юклари истеъмолчилари** – тиббий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли, ижтимоий соҳа муассасалари, инсонпарварлик ёрдамининг бевосита фойдаланувчилари бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари.

3. Инсонпарварлик ёрдами сифатида олинган товарлар божхона расмийлаштируви амалга оширилгандан кейин инсонпарварлик ёрдамини олувчилар томонидан "Инсонпарварлик ёрдами" ёзувини қайд этган, инсонпарварлик ёрдамини олувчининг реквизитларини кўрсатган ҳолда тамғаланади.

4. Тамаки маҳсулотлари, алкоголли маҳсулотлар, ҳарбий мақсаддаги товарлар, шунингдек олиб келиниши тақиқланган товарлар инсонпарварлик ёрдами юклари жумласига киритилиши мумкин эмас.

5. Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, божхона расмийлаштируви, транспортда ташиш, тўплаш, сақлаш, хатловдан ўтказиш, юкларнинг хавфсизлиги бўйича қўриқлаш ва бошқа карантин тадбирларини ўтказиш, инсонпарварлик ёрдамини аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан самарали, мақсадли фойдаланиш учун масъулият:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тузиладиган инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳудудий комиссияларга (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар);

ижтимоий соҳа вазирликлари ва идоралари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари томонидан тузиладиган инсонпарварлик ёрдами бўйича тармоқ комиссияларига (кейинги ўринларда – тармоқ комиссиялари) ҳамда инсонпарварлик ёрдамини олувчиларга юклатилади.

6. Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

## 2-боб. Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш тартиби

7. Инсонпарварлик ёрдами сифатида Ўзбекистон Республикасига келтириладиган юкларни божхона расмийлаштируви қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ котибиятнинг кўрсатилган юкларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги хулосасига асосан амалга оширилади.

8. Юкларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублигини тасдиқлаш учун инсонпарварлик ёрдамини олувчи котибиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

донорлар билан инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, келишув, шартнома ёки дастур;

юкни жўнатувчининг юк инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги инвойси (счёт-фактура);

инсонпарварлик ёрдами юкини олувчининг юкнинг фойдаланиш мақсади тўғрисидаги хати;

йўл-транспорт юк хатлари;

зарурият бўлганда, карантин ва бошқа инспекция хизматларининг юкнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ республикага келтирилишига рухсат этилган юклар рўйхатига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

9. Юкларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги қарорлар котибиятнинг хулосаси шаклида расмийлаштирилади.

Инсонпарварлик ёрдами юкларини божхонада тезкорлик билан расмийлаштириш мақсадида доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳ томонидан уларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги дастлабки хулоса берилиши мумкин, кейинчалик мазкур хулоса котибиятнинг хулосаси билан тасдиқланади.

Ишчи гуруҳнинг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасига келтирилган инсонпарварлик ёрдами юклари ва юкларни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда ҳар чоракда котибиятга ва ваколатли органга тақдим этиб боради.

11. Аэропортлар, темир йўл ва автотранспорт станцияларининг омборхоналарида сақланаётган инсонпарварлик ёрдами юкларини сақлаш, хабардор қилиш, божхона тартиб-қоидалари, декларациялаш, бекор туриб қолиш, тушириш-юклаш ишлари ва бошқа хизматлар учун божлар, йиғимлар ва бошқа турдаги тўловлар ундирилмайди.

12. Инсонпарварлик ёрдами юклари сифатини ва уларнинг хавфсизлигини назорат қилиш белгиланган тартибда тўлов ундирилмасдан давлат назоратининг ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

13. Инсонпарварлик ёрдами юкларининг уларни ташиш вақтидаги сақланиши тегишли транспорт ташкилотлари ва Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

14. Инсонпарварлик ёрдамини олувчилар инсонпарварлик юкларининг ҳисобга олинишига, сақланишига, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишига, товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишга ҳамда уларнинг аниқ йўналтирилган ҳолда тақсимланишига масъул ҳисобланади.

Инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган товарларни ҳисобга олиш ва сақлаш тижорат товарларидан алоҳида амалга оширилади.

15. Инсонпарварлик ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирилган ҳолда тақсимлаш устидан назорат ҳудудий ва тармоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади.

16. Ҳудудий ва тармоқ комиссиялари шунингдек инсонпарварлик ёрдамини олувчилар инсонпарварлик ёрдами юкларини олинганлиги, мақсадли фойдаланилганлиги ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда тақсимланишини назорат қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмай ваколатли органга тақдим этиб боради.

17. Инсонпарварлик ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши бўйича текширишлар белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан котибиятнинг тасдиқлаган жадвал бўйича, зарурат бўлганда, мустақил экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси вакилларини жалб этган ҳолда ўтказилади.

18. Инсонпарварлик ёрдамини олувчи ёки унинг истеъмолчиси ҳисобланадиган бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларни ўтказиш вақтида ваколатли орган томонидан уларни текшириш режаларига инсонпарварлик ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини назорат қилиш ҳам киритилади.

19. Ўтказилган текширишлар якунлари бўйича далолатнома тузилади, унда инсонпарварлик ёрдами юкларини божхона расмийлаштируви, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш талабларига мувофиқлиги, шу жумладан:

инсонпарварлик ёрдами юкларини сақлаш шароитлари ва тақсимлаш шартлари;

инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган товарларда маркировканинг мавжудлиги;

олинган инсонпарварлик ёрдами юклари бўйича ҳисобга олиш ҳужжатларининг (ҳисобга олиш дафтарлари, китоблари ва бошқалар, шу жумладан электрон шаклда) мавжудлиги ва тўлиқлиги;

инсонпарварлик ёрдами юклари истеъмолчиларининг юкларнинг олинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолдаги номлари кўрсатилган рўйхатларини тузиш;

инсонпарварлик ёрдами сифатида олинган фойдаланилмаган товарлар миқдорининг ҳисоби, сабаблари, фойдаланишга яроқлилик муддати ўтиб кетган товарлар (маҳсулотлар)ни кўрсатган ҳолда;

инсонпарварлик ёрдами бўйича келиб тушган фуқароларнинг мурожаатлари ва шикоятлари юзасидан амалга оширилган ишлар акс эттирилади.

## 3-боб. Инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби

20. Донорлар томонидан инсонпарварлик ёрдами доирасида берилган маблағлар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг мақсади ҳисобланади.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



21. Инсонпарварлик лойиҳалари мониторингининг мунтазам равишда ўтказилиши юзасидан масъулият ҳудудий ва тармоқ комиссияларига юкланади.

22. Инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳудудий ва тармоқ комиссиялари томонидан инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва унга тушунтириш хати котибиятга ҳамда ваколатли органга ҳар чоракда кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмай тақдим этилади.

## 4-боб. Якунловчи қоида

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.

Инсонпарварлик ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш**
**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Муддатлар** |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | Инсонпарварлик ёрдамини олувчилар | Донорлар томонидан олувчиларга инсонпарварлик юклари келиб тушади. | Зарур ҳолларда |
| **2-босқич** | Инсонпарварлик ёрдамини олувчилар | Юкларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублигини тасдиқлаш учун котибиятга зарур ҳужжатларни тақдим этади. | Белгиланган муддатларда |
| **3-босқич** | Котибият | Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва божхона органларига тегишли хулоса беради.<br>Инсонпарварлик ёрдами юкларини божхонада тезкорлик билан расмийлаштириш мақсадида доимий фаолият юритадиган ишчи гуруҳ томонидан уларнинг инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги дастлабки хулоса берилади, кейинчалик мазкур хулоса котибиятнинг хулосаси билан тасдиқланади. | Белгиланган муддатларда |
| **4-босқич** | Давлат божхона қўмитаси | Котибиятнинг ёки Ишчи гуруҳнинг хулосасига асосан юкларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширади. | Белгиланган муддатларда |

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **5-босқич** | Инсонпарварлик ёрдамини олувчилар | Инсонпарварлик юкларининг ҳисобга олинади, сақланади, уларни мақсадли ва самарали фойдаланади. | Белгиланган муддатларда |
| **6-босқич** | Инсонпарварлик ёрдамини олувчилар<br>Ҳудудий ва тармоқ комиссиялар | Инсонпарварлик ёрдами юкларини олинганлиги, мақсадли фойдаланилганлиги ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда тақсимланишини назорат қилади ва улар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органга киритади. | Ҳар чоракда |
| **7-босқич** | Молия вазирлиги | Инсонпарварлик ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва аниқ йўналтирилган ҳолда тақсимланиши бўйича текширувларни ўтказади, зарурат бўлганда, мустақил экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси вакилларини жалб этган ҳолда ўтказади. | Белгиланган муддатларда |
| **8-босқич** | Ҳудудий ва тармоқ комиссиялари | Инсонпарварлик лойиҳалари мониторинги мунтазам равишда ўтказилади ва инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларни котибиятга ҳамда ваколатли органга тақдим этади. | Ҳар чоракда кейинги ойнинг 10-санасига қадар |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "29" декабрдаги 786-сон қарорига
3-илова

# Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сон қарори билан тасдиқланган холдинглар тўғрисидаги низомнинг 7-бандидаги "чет эл инвестициялари тўғрисидаги" сўзлари "инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги" сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 15 февралдаги 52-сон қарорининг 8-бандидан "ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2008 йил 27 августдаги 196-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидан "ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг биринчи хатбошидан "ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 29 майдаги 146-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошида "эркин" сўзи "махсус" сўзи билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги "МИЗ" қисқартмаси "ЭИЗ" қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

биринчи хатбошида "МИЗ" қисқартмаси ва "Истиқлол кўчаси, 2-уй" сўзлари тегишлича "ЭИЗ" қисқартмаси ва "Амир Темур кўчаси, 7-уй" сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида "МИЗ" қисқартмаси "ЭИЗ" қисқартмаси билан алмаштирилсин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июлдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг Уставида:

а) 5-бандда “Истиқлол кўчаси, 2-уй” сўзлари “Амир Темур кўчаси, 7-уй” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-бандда:

3-кичик бандда “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

4-кичик бандда “МИЗ” қисқартмаси “ЭИЗ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 13-бандда “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)” сўзлари “Тошкент вилояти махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш)” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 15-банднинг биринчи хатбоши, 30 ва 38-бандларда “Республика кенгаши” сўзлари “Маъмурий кенгаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 18-бандда “Республика кенгаши” сўзлари “маъмурий кенгашининг ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига кўра Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 21-банддан “Республика кенгаши” сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 39-бандда “Республика кенгашига” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 15 майдаги 130-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошида “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)” сўзлари “Жиззах вилояти махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 5-бандда “МИЗ” қисқартмаси “ЭИЗ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

11-банднинг тўртинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

13-бандда "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)" сўзлари "Жиззах вилояти махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш)" сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбоши, 30 ва 38-бандда "Республика кенгаши" сўзлари "Маъмурий кенгаш" сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда "Республика кенгаши" сўзлари "маъмурий кенгашнинг ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига кўра Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси" сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддан "Республика кенгаши" сўзлари чиқариб ташлансин;

39-бандда "Республика кенгашига" сўзлари "Вазирлар Маҳкамасига" сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-илова изоҳида "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши" сўзлари "Жиззах вилояти махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши" сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилаётган қарз ва кредит маблағларини жамлаш, қайтариш ва уларга хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 12 июндаги 154-сон қарорида:

а) 4-банднинг "а" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирига, "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарув раисига, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:";

б) илованинг 2-бандидаги "Коммунхизмат" агентлиги" сўзлари "Ўзсувтаъминот" АЖ" сўзлари билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошида "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгашига деб аталади)" сўзлари "Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларига (кейиги ўринларда маъмурий кенгаш)" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари дирекциялари Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.”;

в) 7-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй манзилига жойлаштирилсин”;

г) 1-иловада:

III бўлим қуйидаги таҳрирдаги 4-банд билан тўлдирилсин:

“4. Бешариқ тумани “Собиртепа” массиви ер майдонларини ичига олувчи саноат зонаси қуйидаги чегаралар билан:

шимолий томондан – “Андархон” божхона пости биноси ва иншоотлари;

жанубий томондан – “Асомиддинов Розиқ хожи” боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ер майдони;

шарқий томондан – “Собиртепа” массиви қишлоқ хўжалиги дала йўли;

ғарбий томондан – “Асомиддинов Розиқ хожи” боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ер майдони.”;

IV бўлим қуйидаги мазмундаги 10-банд билан тўлдирилсин:

“11. Урганч тумани, “Бекобод” қишлоғи ва “Ғойбу” қишлоғи ер участкалари қуйидаги чегарлар билан:

шимолий томондан – “Бухоро Урал Магистрал” газ қувури ҳудуди;

шарқий томондан – очиқ майдон;

жанубий томондан – очиқ майдон;

ғарбий томондан – очиқ майдон”;

д) 6–9-иловаларда:

11-банднинг тўртинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

13-бандда “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)” сўзлари “Маъмурий кенгашга” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошида, 30-бандда, 32-банднинг тўртинчи хатбоши ва 38-бандда “Республика кенгаши” сўзлари “Маъмурий кенгаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбошида “Республика кенгаши” сўзлари “Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидан “Муассис номидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

18-бандда “Республика кенгаши” сўзлари “Маъмурий кенгашининг ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддан “ва Республика кенгаши” сўзлари чиқариб ташлансин;

39-бандда “Республика кенгаши” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 5-илованинг изоҳида “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши” сўзлари “Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг рус тилида қабул қилинган “Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 майдаги 285-сон қарорига 2-иловага қуйидаги мазмундаги $25^1$-банд қўшилсин:

“$25^1$. Ассоциация “Узпромстройматериалы”.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарорида:

а) номланишида “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

учинчи хатбошида “мувофиқ;” сўзи “мувофиқ тасдиқлансин.” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

3-банддан “Коммунхизмат” агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банднинг биринчи хатбошидан “Коммунхизмат” агентлигининг бош директори” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “2017–2019 йилларда “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги 341-сон қарорининг 3 ва 11-бандларидан иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах вилоятининг ишламай турган ва кам қувватли корхоналари фаолиятини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 5 июндаги 352-сон қарорига 2-иловадан 1-позиция чиқариб ташлансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Зомин-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Бойсун-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Бўстонлиқ-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхоналарининг уставларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошида “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгашига деб аталади)” сўзлари “Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари махсус иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларига (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3–8-иловаларда:

11-банднинг тўртинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

13-бандда “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)” сўзлари “маъмурий кенгашга” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошида, 30-бандда, 32-банднинг тўртинчи хатбошида “Республика кенгаши” сўзлари “Маъмурий кенгаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбошида “Республика кенгаши” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидан “Муассис номидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

18-бандда “Республика кенгаши” сўзлари “Маъмурий кенгашининг ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига кўра Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддан “ва Республика кенгаши” сўзлари чиқариб ташлансин;

39-бандда “Республика кенгашига” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 августдаги 672-сон қарорига 2-иловадан 4-позиция чиқариб ташлансин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах вилояти Зомин туманининг Даштобод шаҳрида кичик саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 8 ноябрдаги 897-сон қарорида:

а) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Сув хўжалиги объектлари бўйларида иҳота ва дарахтзорлар барпо этиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 декабрдаги 1004-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидан “ҳузурида Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 январдаги 29-сон қарорига 4-илованинг 7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"2-ер участкаси:

1-бошланғич нуқта "Қорақалпоқ" аҳоли яшаш пунктининг шарқидаги "Ҳамдам" каналининг ички ирмоғи(арик)нинг чап қирғоғи билан кесишувчи ички кўчанинг кесишмасида жойлашган.

1-нуқтадан чегара "Қорақалпоқ" аҳоли яшаш пунктининг шарқидаги ички кўчанинг туташ жойидаги 2-нуқтагача қуруқ ер бўйлаб шимолий йўналишда 447 метр масофага давом этади.

2-нуқтадан чегара аҳоли яшаш пунктининг бошланиш жойидан 3-нуқтагача қуруқ ер бўйлаб шимолий йўналишда 240 метр масофага давом этади.

3-нуқтадан чегара ажратилаётган ер майдонининг ўрта жойдаги 4-нуқтагача қуруқ ер майдони бўйлаб жанубий йўналишда 330 метр масофага давом этади.

4-нуқтадан чегара 5-нуқтагача "Қорақалпоқ" аҳоли яшаш пунктининг шарқий йўналишда 317 метр масофага давом этади.

5-нуқтадан чегара 6-нуқтагача ички суғориш тармоғининг ғарбий йўналишда 335 метр масофага давом этади.

6-нуқтадан чегара 7-нуқтагача туман захира ер майдонининг шимолий йўналишда 208 метр масофага давом этади.

7-нуқтадан чегара 1-нуқтагача Ички суғориш тармоғининг Шимолий йўналишда 142 метр масофага давом этади".

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди бешинчи хатбошида "Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси" сўзлари "Ҳисоб палатаси" сўзлари билан алмаштирилсин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ташқи беғараз кўмак, грант маблағлари ҳисобига ҳамда инсонпарварлик ёрдами сифатида кириб келаётган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилишига ва фойдаланишга рухсат берилади.

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



Бунда, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига ва фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли хулоса берилади”.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм вилоятида қўшимча кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 26 апрелдаги 308-сон қарорига иловадан 2-позиция чиқариб ташлансин.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвоқ” эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 майдаги 365-сон қарорида:

а) 1–4-бандларда “эркин туристик” сўзлари “туристик-рекреацион” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-6-иловаларнинг рус тилидаги матни номида “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг рус тилидаги матнида:

номида “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан алмаштирилсин;

преамбуланинг биринчи ва еттинчи хатбошиларида “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан ҳамда “СТЗ” қисқартмаси “ТРЗ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

I бўлимнинг 1.1, 1.4, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.4, 5.1, 5.2, 5.3-бандларидаги ҳамда II бўлимнинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларида “СТЗ” қисқартмаси “ТРЗ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг рус тилидаги матнида:

номида ҳамда 1 ва 38-бандларда “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 2, 3, 6, 8, 10, 12, 13, 14, 16-22, 27, 32, 34-37, 39-бандларида “СТЗ” қисқартмаси “ТРЗ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

д) 4-илованинг рус тилидаги матни номида ҳамда изоҳ қисмида “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари ҳамда “Республиканский совет по координации деятельности административных советов свободных экономических зон и малых промышленных зон” сўзлари “Административный совет специальной экономической зоны Ташкентской области” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 5-илованинг рус тилидаги матнида:

номида ҳамда 1 ва 10-бандларда “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Официальное наименование Дирекции:

а) на государственном языке:

полное – “Chorvoq” turistik rekreatsion zona Direktsiyasi” Davlat unitar korxonasi;

сокращенное – “Chorvoq” TRZ Direktsiyasi” DUK;

б) на русском языке:

полное – Государственное унитарное предприятие «Дирекция туристско-рекреационной зоны «Чарвак»»;

сокращенное – ГУП «Дирекция ТРЗ «Чарвак»»;

в) на английском языке:

полное – “Directorate of tourist and recreational zone “Charvak” State Unitary Company;

сокращенное – “Directorate of TRZ “Charvak” SUC”;

13-банддан “Республиканскому совету по координации деятельности административных советов свободных экономических зон и малых промышленных зон (далее – Республиканский совет)” сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

16-бандда “внесение в Республиканский совет” сўзлари “по согласованию с уполномоченным государственным органом внесение в Кабинет Министров” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда “Республиканским советом” сўзлари “Кабинетом Министров” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддан “Республиканским советом” сўзлари чиқариб ташлансин;

30-бандда “Республиканский совет” сўзлари “Административный совет” сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг тўртинчи хатбошида, 38 ва 39-бандларда “Республиканским советом” сўзлари “Кабинетом Министров” сўзлари билан алмаштирилсин;

ё) 6-илованинг рус тилидаги матни номишда, 10, 11, 15, 16-бандларда “свободной туристской” сўзлари “туристско-рекреационной” сўзлари билан алмаштирилсин.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарорида:

а) 1-иловада:

8-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда учунчи-йигирма бешинчи хатбошилар деб хисоблансин;

66-банднинг биринчи хатбошисидан “Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада 2-банднинг бешинчи хатбошидан ҳамда 5-банднинг “в” кичик бандидан “Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 3-бандидан ва 10-банднинг иккинчи хатбошидан “Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4а-иловадан 33-позиция чиқариб ташлансин.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини Андижон вилоятининг кичик саноат зоналарига жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 18 сентябрдаги 741-сон қарорига илованинг рус тилидаги матнида “Территория(га)” устуни 2-позициясидаги “30,0” рақами “16,0” рақами билан алмаштирилсин”.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги 791-сон қарорининг 12-бандидан “ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 октябрдаги 803-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

11-банднинг иккинчи хатбошисида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин;

13-банддан “ва Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади)” сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-банднинг биринчи хатбоши, 19-бандда, 30-банднинг тўртинчи хатбошида “Республика кенгаши” сўзлари “Ташқи савдо, инвестициялар,

маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг иккинчи хатбошида “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига” сўзлари “маъмурий кенгашга” сўзлари билан алмаштирилсин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида қўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги 1007-сон қарорига иловадан 3 ва 5-позициялар чиқариб ташлансин.

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 декабрдаги 1054-сон қарорига 3-илованинг 11-банди иккинчи хатбошида “эркин” сўзи “махсус” сўзи билан алмаштирилсин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 апрелдаги 306-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Коммунхизмат” агентлиги” ва “агентлик” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилоятида сув таъминоти ва канализация тизимларини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 7 майдаги 383-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошида “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Коммунхизмат” агентлиги (кейинги ўринларда “Коммунхизмат” агентлиги деб аталади)” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда “Коммунхизмат” агентлиги, “Туямўйин – Урганч” минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси (кейинги ўринларда “Туямўйин – Урганч” МСҚФБ деб аталади)” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-бандда “Коммунхизмат” агентлиги, “Туямўйин-Урганч” МСҚФБ” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда “Коммунхизмат” агентлиги бош директори” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарув раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



д) 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Наманган вилоятида сув таъминоти ва канализация тизимларини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 7 майдаги 384-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошида “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Коммунхизмат” агентлиги (кейинги ўринларда “Коммунхизмат” агентлиги деб аталади)” сўзлари “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзсувтаъминот” АЖ деб аталади)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4- ва 5-банларда “Коммунхизмат агентлиги, Наманган вилоятининг “Сувоқова” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Наманган сув таъминоти” МЧЖ сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг биринчи хатбошидан “Коммунхизмат” агентлиги бош директори” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 6 ва 7-бандларнинг учинчи хатбошиларида “Наманган вилоятининг “Сувоқова” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Наманган сув таъминоти” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 майдаги 390-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Вазирлик ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари (бошқарув офислари) ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик, республикага ташқи беғараз кўмак маблағларини (грант, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) жалб қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади”;

б) 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги;

Электрон кооперация портали маркази”;

в) 11-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат органлари ва ташкилотларининг республикага ташқи беғараз кўмак (грантлар, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) маблағларини

жалб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш";

бешинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи – ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"маҳаллий саноатни жадал ривожлантиришни таъминлаш";

г) 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги "$3^1$"кичик банд билан тўлдирилсин:

"*$3^1$) давлат органлари ва ташкилотларининг республикага ташқи беғараз кўмак (грант, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) маблағларини жалб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш соҳасида:*

ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ҳамда донор билан ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан молиялаштириш таклиф этилаётган лойиҳа ташаббусларини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнларини мувофиқлаштиради;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини ҳисобга олиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқади";

қуйидаги мазмундаги "12" кичик банд билан тўлдирилсин:

"12) маҳаллий саноатни жадал ривожлантиришни таъминлаш соҳасида:

мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларни жалб қилиш, туманлар (шаҳарлар) салоҳиятини ишга солиш ва уларнинг нисбий устунликларидан фойдаланиш асосида маҳаллий саноатни ривожлантириш "драйверлари" бўлган тармоқларни аниқлайди;

тармоқларнинг ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, корхоналарни глобал ишлаб чиқариш занжирларига жалб қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни учинчи давлатларга ҳамкорликда экспорт қилишни йўлга қўяди;

сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган хусусий ва хорижий инвестициялар ҳамда замонавий технологияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратади;

ҚММБ: 09/21/786/1216-сон
29.12.2021 й.



“қўшимча қиймат занжирлари”ни кенгайтириш, ишлаб чиқариш таннархи ва харажатларини камайтириш, тайёр маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади;

кичик саноат ва махсус иқтисодий зоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайди ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий саноат корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлайди, тренинг дастурларидан кенг фойдаланади;

тармоқлар ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида тартибга солиш муҳити ва стандартларни такомиллаштиради;

йирик ишлаб чиқарувчилар ҳамда кичик бизнес ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги (кооперация) электрон тизимни такомиллаштиради”;

д) 14-бандда:

“1” кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

